

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори тўғрисида низом¹

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур тартиб “Ўзавтосаноат” (кейинчалик матн давомида - Компания) акциядорлик жамиятининг Ягона акциядори мавқеини ва Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун(янги таҳрирда) ва Компания уставига асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 11.06.2013й.даги 165 сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги давлат активларини бошқариш маркази Компаниянинг Ягона акциядори ҳисобланади.

1.4. Ягона акциядор йилда бир марта йиллик қарор қабул қилади.

1.5. Йиллик қарор молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай қабул қилиниши лозим.Йиллик қарор амалдаги қонунчилик ва Компания Уставида белгиланган масалалар бўйича қабул қилинади.

1.6. Йиллик қарордан ташқари қабул қилинадиган қарорлар навбатдан ташқари қарорлар ҳисобланади.

II. Ягона акциядорнинг ваколати

2.1. Ягона акциядорнинг ваколатига қуйидагилар киради:

а) Компания Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

б) Компанияни қайта ташкил этиш;

в) Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Компания Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Компаниянинг устав фондиди камайтириш ва кўпайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва бошқалар), уларга бериладиган мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;

и) Компания Тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

к) Аудиторлик текширувини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотини тайинлаш ва унинг хизмати учун тўланадиган пул миқдоринининг юқори чегарасини белгилаш;

л) Компаниянинг йиллик бизнес режасини, йиллик ҳисоботини, бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш;

м) Компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

¹ Мазкур Низом рус тилида тасдиқланган. Матннинг давлат тилига таржимаси ахборот мақсадлари учун. Агарда ноаниқлик пайдо бўлса, илтимос, Низомнинг асл матнига мурожаат қилинг.

- н) Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
 - о) Акцияларни ва қонунларда кўзда тутилган акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишдаги акционернинг имтиёзлик ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - п) Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - р) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - с) Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - т) Ягона акциядор қарор қабул қилиш регламентини тасдиқлаш;
 - у) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
 - ф) Икки ёки ундан ортиқ Кузатув кенгашининг аъзоси аффилиланган шахс бўлган тақдирда аффилиланган шахс билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - х) Қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Компания соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулкни сотиб олиш ёки сотиш хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - ц) Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - ч) Компания бошқарув органлари фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
 - щ) акциядорлик жамиятининг 5 йилдан ортиқ даврга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;
 - э) акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув асосларини тартибловчи ички низомларни тасдиқлаш;
 - ю) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 2.2. Ягона акциядор қарор қабул қилиши расмий эълон қилинган санасидан 3 иш куни аввал шакллантирилган акциядорларнинг реестридаги ёзув билан Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш ҳуқуқи тасдиқланади.

III. Ягона акциядорнинг қарор қабул қилиш тартиби

3.1. Ягона акциядор томонидан йиллик қарор қабул қилинадиган масалаларни дастлаб Кузатув кенгаши кўриб чиқишни амалга оширади.

3.2. Дастлабки кўриб чиқиш натижаси асосида, Уставда кўзда тутилган Ягона акциядор томонидан йиллик қарор қабул қилиниши санасидан 30 календарь кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан (ёки унинг топшириғига кўра Компания ижро органи томонидан) Ягона акциядорга тегишли масалалар юзасидан қарор қабул қилиш бўйича ёзма, кўрилаётган ва қарор қабул қилинаётган масалалар рўйхатини керакли материаллар иловаси билан ва киритилаётган масалалар бўйича Ягона акциядор қарори лойиҳасини ўз ичига олган таклифлар юборилади.

Ягона акциядор талабига кўра қарор қабул қилиш учун керакли бўлган бошқа материаллар ҳам тақдим этилиши мумкин.

3.3.Кузатув кенгаши йиллик қарор қабул қилиш учун киритган масалалар билан бирга Ягона акциядор томонидан ўз ташаббусига кўра бошқа қарорлар ҳам қабул қилиниши мумкин.

3.4.Ягона акциядор ваколатига тегишли масалалар юзасидан навбатдан ташқари қарорлар қабул қилиниши мумкин:

-ўз ташаббусига кўра;

-Кузатув кенгашининг таклифига кўра;

-Компания ижро органининг таклифига кўра.

Ушбу ҳолатга қарор қабул қилинишининг ташаббускори томонидан Ягона акциядорга 3.2. бандда кўрсатиб ўтилган материаллар юборилади.Кўрилаётган масала юзасидан керакли материаллар тўплами олинган фурсатдан бошлаб 5 иш куни ичида Ягона акциядор томонидан навбатдан ташқари қарор қабул қилиниши лозим.

3.5.Ягона акциядор қабул қилаётган йиллик қарор ёзма равишда икки нусхада қонунда белгиланган муддатда расмийлаштирилади ва ижро органига сақлаш учун берилади.

IV. Ягона акциядор қабул қилган қарорлар ижроси

4.1.Ягона акциядор қабул қилган қарорларнинг назоратини Кузатув кенгаши амалга оширади, агар қарорда бошқаси кўзда тутилмаган бўлса.

4.2.Ягона акциядорнинг қарори Компаниянинг барча бошқарув органлари учун уларга таалуқли қисмлар бўйича бажариш учун мажбурийдир.